

ТАЛАБАЛАРДА МАДАНИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУХИТНИНГ ЎРНИ

Усанов Равшан Тураевич

Академик Б.Фафуров номидаги Хужанд давлат университети маданиятшунослик кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Бегматова Дилноза Мухтаровна, Ph.D

Самарқанд давлат чет тиллар институти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

A R T I C L E I N F O .

Таянч сўзлар: маданият, маданий муҳит, маданий иммунитет, маданий бойлиқ, қадриятлар, талаба-ёшлар, педагогик стратегия.

Аннотация

Ушбу мақолада талабаларда маданий иммунитетни ривожлантиришнинг педагогик стратегияларини аниqlаш ва амалиётга татбик этиш, маданий иммунитетни ривожлантиришда ижтимоий-маданий муҳитнинг ўрни баён қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, ўз ролларини тўғри бажаришга ҳаракат қилиш, ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиш, талаба-ёшларнинг маданий дунёқараси қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Аниқ маданий дунёқарашга эга бўлган, «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қила оладиган талаба-ёшларгина ўз ҳаёт йўлларини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қиласидар. Ёшлар онгига нисбатан маданий тажовузлар таълим муассасаси, жамият ва оилада уларнинг бажарадиган рольларини тўғри белгилаб бермаслик натижасида вужудга келади.

Маданий муҳит – шахснинг танлов имкониятларини кенгайтиради. Айни бир маданият шахсга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда жамият аъзоларига айниқса, ёшларга ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кўрсатувчи маданият бу “оммавий маданият”дир. Маданиятнинг ривожланиши шахснинг ижодий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласиди.

Тадқиқотчи олим У.И.Махкамовнинг фикрича, маданият – аждодларнинг мероси асосида шаклланган тушунчалар моделидан иборат бўлиб, муйян муҳит доирасида инсонларни турли фарқли гурухларга ажralишлирга хизмат қиласиди[1; 56-б.]. Ижтимоийлашиш натижасида жамият аъзолари нима муҳим, нима муҳим эмаслигини англаш этадилар. Бундай умумий тушунчалар турли рамзлар, қадриятлар, меъёрлар, эътиқодлар ва ижоднинг турли шаклларида ўз ифодасини топади. Натижада жамият аъзолари кундалик ҳаётда катта ва кичик гурухларга мансуб бўлади.

Кўплаб масалаларда маданият инсонларнинг хулқ-атвори ва нуқтаи назарларига таъсир кўрсатади. Бирор бу барча кишилар битта ягона маданиятга мансуб деган холосани чиқаришга асос бўлмайди. Чунки, маданият ягона хулқ-атвор ва фикрнинг шаклланишини таъминламайди.

Инсонлар ўз нұқтаи назарлари ва хатти-харакатлари билан турли-туман мәданиятларга хос бўлган хатти-харакатлар ва нұқтаи назарларни эгаллашга интиладилар. Кимdir Европа мәданиятини ўзлаштиришга интилса, яна бошқа бир гуруҳ инсонлар Шарқона мәданиятга хос бўлган хатти-харакатларни эгаллашга ҳаракат қиласи. Шундан келиб чиқиб бугунги кунда гибрид характердаги “оммавий мәданият”нинг кенг аудитория, айниқса ёшлар онгига таъсири кучаймоқда.

Тадқиқотчи Д.Н.Рўзиеванинг таъкидлашича, айни бир жамиятда яшайдиган кишилар ушбу жамиятга хос бўлган мәданиятга мансуб қадриятларни ўзлаштирмасликлари, алоҳида эътиқодга эга бўлишлари ҳам мумкин[2; 67-б.]. Лекин, айни бир жамиятга хос мәданият у ёки бу қирралари билан барча кишиларнинг хулқ-авторига муайян даражада таъсир кўрсатади. Айни шу мәданиятга хос бўлган стереотипларни маълум даражада эгаллашларига хизмат қиласи.

Мәданият тушунчасини аниқлаш жараёнида иккита муҳим ҳодисани ойдинлаштириш талаб қилинади:

Биринчидан, мәданиятни муайян шарт-шароитлар контекстида ўрганиш лозим. Чунки мәданият мавжуд ресурслар, жамият аъзоларининг билим даражаси ва технологиялар билан боғлиқ. Хукумат структураси ва ишлаб чиқариш муносабатлари натижасида вужудга келган алоқадорлик ҳам мәданиятга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Мәданият инсонларнинг жамиятдаги ўз ўрни ва бошқаларнинг ўрнини англаб этишига қўмаклашади. Бунда шахсни ижтимоийлаштириш усуллари ва механизmlари муҳим ўрин эгаллайди. Мәданият жамият умумий қиёфасининг таркибий қисми. У атроф-оламга таъсир кўрсатади ва ўзининг муҳитдаги ўрнини ўзгартиради. Бу шахс ва жамият ривожланишида мәданиятнинг тутган ўрнини англаш имконини беради.

Иккинчидан, мәданият мувозанат холатидаги ҳодиса эмас. Ўзаро муносабатга кириши жараёнида инсонлар мәданиятнинг ўзгаришига дуч келади. Бироқ мәданиятнинг ўзгариш темпини қайта баҳолаш муҳим эмас. Мәданиятнинг муайян йўналишлари жамият аъзоларининг диди, дунёқараши, ҳаётий фаолиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундай таъсир узоқ вақт мобайнида намоён бўлади. Ўтмишдаги ҳаёт тарзига хос ва бугунги кун учун ҳам аҳамиятли бўлган мәданий қадриятларни сақлаб қоладилар.

Гибрид мәданият жамият ҳаётига кенг кўламда кириб бораётган бугунги кунда унинг ёшлар онги ва нұқтаи назарига кўрсатаётган таъсири ўта хавфидир. Бу ёшларнинг ҳаракат меъёрлари, хулқ-автор кўринишлари, эътиқодлари ва қадриятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Кўплаб умумий омиллар мәданиятнинг тез ўзгаришига тўсқинлик қилиб, умумий тасаввурларнинг кенг ёйилишига салбий таъсир кўрсатади. Булар жумласига натижалар ва меъёрлар киради. Бу ёшларнинг ижтимоийлашишлари ва мулоқот қилишлари учун зарур воситалар ва ресурсларнинг этарли эмаслигини кўрсатади. Талаба-ёшларда ахборот олиш, уларни саралаб ўзлаштириш ва таҳлил қилиш имконияти этарли бўлмаган вазиятларда ижтимоий тармоқларга қўпроқ мурожаат қиласидар. Натижада улар турли мәданиятларга хос ижобий сифатлар билан бир қаторда салбий хулқ-автор стереотипларини ҳам ўзлаштирадилар.

Бир томондан қараганда, ахборотларнинг кўплиги талаба-ёшларнинг танлов имкониятларини кенгайтиради, уларнинг ижтимоийлашишларини жадаллаштиради.

Тадқиқотчи З.Т.Солиеванинг фикрича, мәданият тушунчасини қўллашдаги ранг-баранг ҳолатлар ахборотларнинг кўплиги, уларни олиш ва саралаш имкониятининг кенгайишини таъминлайди[3; 37-б.].

Мәданият қуйидагилар билан тавсифланади: урф-одатлар, меъёрлар, кийиниш манераси, гастрономик дид ва бадиий ижод ифодасида намоён бўлади. Мәданиятнинг ушбу кўринишлари шахснинг ижтимоийлашувида муҳим ўрин эгаллаб, уларсиз мәданият жамиятдаги аҳамиятини

намоён эта олмайди. Жамиятда анъанавийлик ва замонавийлик биргалиқда намоён бўлиб, уларни бир-бисериз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Турли маданиятларга хос бўлган тушунчалар уйғунлашиб, жамият ҳаётида биргалиқда яшаб келмоқда. Турли маданиятларга хос тушунчалар ёшлар онгига сингиб, ўзининг яшовчанлигини таъминламоқда. Шундай маданият воситалари борки, улардан эркаклар ҳам аёллар ҳам бирдай фойдаланадилар. Улар ўз навбатида маданий қадриятлар сифатида эътироф этилади.

Бу шуни кўрсатадики, инсонлар жамиятда мавжуд бўлган барча қадриятларни бирдай ўзлаштирмайдилар. Айни бир маданиятга мансуб бўлган кишилар ўз маданий дунёкарашлари доирасида ҳаётий меъёрлар ва қадриятларни қабул қиласидилар. Масалан, гендер тенгликни тан олмаслик, соғлом маданий нуқтаи назарга эга бўлган хотин-қизлар ва эркакларда бирдай норозилик кайфиятини вужудга келтиради.

Сўнгги вақтларда инсонларнинг умуминсоний қадриятларга, жумладан билимларга муносабатлари ўзгармоқда. Агар катта инсонлар маълумот олишнинг муҳимлигини англасалар ва унда бўлажак иқтисодий ва маънавий-психологик мустақилликларининг кафолатини, ўз билимларини ошириш, дунёкарашларини кенгайтириш имкониятларини кўрсалар, ёшлар орасида эса аксинча таълим олишга қизиқиши пасайиши кузатилмоқда.

Ёш авлодни ҳаёт фаолиятининг мазмуни ва шаклларини эрта ёшданоқ онгли танлашга, ўз бўлажак касбини психологияқ, жисмоний, ақлий хусусиятлари, шахс сифатлари ва хусусиятларини ҳисобга олиб бехато танлашга ижтимоий эҳтиёж ўсиб бормоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда бугунги кунда ўқитиш жараёнини **индивидуаллаштиришнинг зарурати обьектив шароитлар билан боғлиқ**.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ёндашувлар: педагогика, психология, социологияга оид илмий қарашлар маданий иммунитет тушунчасининг ўзига хос жиҳатларини очиш, ижтимоий маданий муҳитда шахсада маданий иммунитетни таркиб топтириш ва ривожлантиришга йўналтирилгандир. Шунга қарамасдан, индивидуал ёндашув асосида талабаларда маданий иммунитетни ривожлантиришнинг педагогик стратегияларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш механизmlарини ишлаб чиқиш йўналишида йетарлича илмий изланишлар амалга оширилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – 286 б.
2. Рўзиева Д.Н. Олий таълим муассасалари талабаларида мильлий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед фан. докт. дисс. – Т. 2007. – 254 б.
3. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Фан доктори ... дисс. – Т., 2017. – 243 б.
4. Begmatova Mutabar Askarovna, & Usanov Ravshan Turayevich. (2022). A NEW APPROACH TO CULTURAL SCIENCE. Philisophy and Life, 1(si 2), 2. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7325524>.
5. Усанов Р.Т. Единства-великое достояние // I. Uluslararası dede korkut türk tarihi kültürü ve edebiyati sempozyumu 20-23 mart 2018 Antalya (Turkiya).
6. Mukhtarovna B. D. Professional socialization of youth as a pedagogical problem //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 1207-1212.
7. Begmatova D. M., Daminova N. K., Vaydulla M. M. Improving the pedagogical content of professional socialization of youth and students in the context of globalization //ISJ Theoretical & Applied Science. – 2022. – Т. 1. – №. 105. – С. 756-759.

8. Botir E., Muxtarovna B. D. THE IMPORTANCE OF DISTANCE LEARNING IN THE PROCESS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 22. – C. 148-151.
9. Begmatova D. M. YOSHLARNING KASBIY IJTIMOIYLASHUVIDA-XALQ PEDAGOGIKASINING DIDAKTIK VA AKMEOLOGIK AHAMIYATI //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 6. – C. 146-149.
10. Kudratovna D. N. Socialization of young people in the process of family education //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – T. 1. – №. 02. – C. 37-45.
11. Daminova N. K. TA'LIM TASHKILOTLARIDA IJTIMOIYLASHUV JARAYONLARINI BOSHQARISH IERARXIYASI //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – T. 2. – №. 2. – C. 44-51.
12. Бегматова Д. М. Касбий ижтимоийлашувда замонавий касблар таҳлили //Педагогика ва психологияда инновациялар. – 2020. – Т. 10. – №. 3.
13. Saida Y. THE DIFFERENCE BETWEEN PEDAGOGICAL TECHNOLOGY AND METHODOLOGY //Involta Scientific Journal. – 2023. – T. 2. – №. 1. – C. 124-128.
14. Yuldasheva S. The Main Directions of the Organization of Production Processes at Industrial Enterprises in the Digital Economy //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2021. – T. 2. – №. 4. – C. 189-194.
15. Oktamovich E. Q., Tashkulovna Y. S. Types of person-centered learning technologies and innovative forms, methods and tools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 11. – C. 197-199.
16. Mamatkadirovna N. K. Pedagogical system of development of culture of international communication in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 11. – C. 245-247.
17. KARIMOVA N. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕМПЕРАМЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ //Хорижий тилларни ўрганишнинг психологик-педагогик омиллари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – 2018.